



ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “ТЎҒРИСЎЗ” РОВИЙЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ (“АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР” АСАРИ АСОСИДА)

Нўъмонжон Насибжонович Тўраев

numonjon.turaev@mail.ru

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
97-470-04-03

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11526751>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2024 yil

Ma'qullandi: 04- June 2024 yil

Nashr qilindi: 08- June 2024 yil

KEY WORDS

ат-Тарих ал-кабир, Имом Бухорий, “тўғрисўз” ровийлар, жарҳ ва таъдил, садук, ҳадис илми, Ибн Абу Ҳотим, Ибн Салоҳ, Нававий.

ABSTRACT

Мақолада Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-Кабир” асарида зикр қилинган “тўғрисўз” ровийлар тўғрисидаги қарашлари ҳақида маълумотлар баён қилинган

“ат-Тарих ал-кабир” Имом Бухорийнинг ўзида ҳадис илмларининг аксариятини қамраб олган ҳамда узоқ йиллик меҳнат натижаси сифатида дунёга келган муҳим асари ҳисобланади. Ушбу асарда ровийлар тўғрисидаги қисқача биографик маълумотлар билан биргаликда, уларнинг “жарҳ ва таъдил” (ровийлар айб-нуқсон ҳамда шахсий ижобий сифатлари) илми уламолари наздидаги даражалари ҳақидаги қайдлар ҳам берилган. “Садук” (тўғрисўз) атамаси ровийнинг таъдилига, яъни уларнинг адолати¹ ҳамда хотираси каби шахсий сифатлари мадҳига тааллуқли иборалардан ҳисобланиб, ушбу мақолада унинг ишлатилиш ўринлари ва Имом Бухорий наздидаги даражаси ҳамда муаллиф қарашларининг бошқа муҳаддислар томонидан қабул қилиниши таҳлилий ўрганилади. Шу билан бирга, асарда ушбу атама билан мадҳ этилган ровийларнинг ривоятлари Имом Бухорий ҳамда бошқа машҳур муҳаддисларнинг тўпламларида келтирилганлиги масаласи ҳам ўрганилади. Ушбу икки жиҳат Имом Бухорийнинг ўзига хос методини билиш, шунингдек унинг бошқа муҳаддислар томонидан эътироф этилишини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Садук” (тўғрисўз, ростгўй) атамаси асарда “садук” ҳамда “юсаддиқу” шаклларида қўлланган бўлиб, у ростгўйлиги билан танилган кишига нисбатан ишлатилган. Ибн Абу Ҳотим ва Ибн Салоҳ каби муҳаддислар ушбу атамани “таъдил”нинг иккинчи даражаси сифатида баҳолаб, “садук” кишиларнинг ривояти ёзиб олинишини айтишган. Заҳабий ва Ироқийлар эса, уни “таъдил”нинг учинчи

¹ Ровийнинг адолати унинг мусулмонлиги, вояга етгани, ақлли экани, тақводор ва муруватли бўлиши билан белгиланади. Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Мавсуъа улум ал-ҳадис ва фунунух. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 2007. – Ж. 2. – Б. 453-454.

даражасида зикр этишган². Нуриддин Итр ушбу атама “ла баъса биҳи” (унинг ёмон сифати йўқ), “хиёр” (яхшилар), “маъмун” (ишонилган) каби “таъдил” атамалари билан бир даражада туришини айтиб, бундай тавсифланган ровийнинг “адолатли” эканини билиб олиш мумкинлигини таъкидлайди. Шу билан биргаликда, ушбу атама ровийнинг “забт”и (яъни, унинг ҳадиси қабул қилинишидаги асосий шартлардан бири) кучли ёки кучсизлиги тўғрисида маълумот бермаслигини ҳам таъкидлайди. Унингча, ушбу атама билан васф қилинган ровийнинг ривоятини қабул қилишда унинг забтига ишора қилувчи бошқа маълумотлар борлиги аниқланиб, шундан сўнг унга амал қилиниши ёки рад этилиши мумкин бўлади³.

“ат-Тарих ал-кабир”да 7 нафар ровий “ростгўйлиг”и билан мадҳ этилган бўлиб, қуйидаги жадвалда уларнинг ким экани ҳамда Имом Бухорий мазкур “таъдил” ҳукмларини кимлардан иқтибос қилиб келтиргани яққол намоён бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

№	Ровий	Асардаги ўрни	Ҳукм муаллифи
صدق			
1	اسْمَاعِيلُ بْنُ أَبِي إِسْحَاقَ، الْوَرَّاقُ، الْأَزْدِيُّ، الْكُوفِيُّ	1/347	
2	سَعِيدُ بْنُ زَيْدٍ، أَخُو حَمَادِ بْنِ زَيْدٍ، مَوْلَى الْأَزْدِ لِأَلِ جَرِيرِ بْنِ حَازِمٍ، الْبَصْرِيُّ	3/472	مُسلم
3	سَعِيدُ بْنُ زَكْرِيَاءَ، الْمَدَائِنِيُّ، الْقَرَشِيُّ، أَبُو عُمَرَ	3/474	
4	عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ	5/212	هشام بن يوسف
5	عَيْسَى بْنُ شُعَيْبٍ	6/407	عمر بن علي
6	ثُعْمَانُ بْنُ رَاشِدٍ	8/80	
يصدق			
7	سَيْفُ بْنُ سُلَيْمَانَ، الْمَكِّيُّ	4/171	يحيى القطان

“ат-Тарих ал-кабир”да “садуқ” деб баҳоланган Исмоил ибн Абон Варроқ ҳақда бир нечта муҳаддисларнинг “таъдил” атамаларини ишлатишганини кўриш мумкин. Масалан, Ибн Абу Ҳотим отасининг Исмоил ҳақда “сиқа”, “садуқ фил-ҳадис”, “солиҳ ал-ҳадис”, “ла баъса биҳи” ҳамда “касир ал-ҳадис” деган баҳоларни берганини айтади⁴. Ибн Ҳиббон эса, уни “ас-Сиқот”да зикр этади. Шу билан бирга, уни Исмоил ибн Абон Хайёт билан адаштириб юбормаслик лозимлигини, зеро иккинчи ровий “аз-Зуафо”да келтирилганини ҳам таъкидлайди⁵. Ибн Адий у ҳақда тўхталиб, Саъдий уни “ҳақдан оғган, аммо ҳадисда ёлғон гапирмаган” деган гапини келтиради. Шунингдек, Абу Довуд ҳамда Рамодийлар Саъдийга ихтилоfli қараш соҳиби бўлишгани ва Исмоил ҳақда “сиқа” баҳосини беришганини ҳам қайд этади. Ибн Адий мазкур икки қарама-қарши фикр асоси нима экани тўғрисида ҳам изоҳ бериб ўтади. Жумладан, Саъдийнинг “ҳақдан оғган” деган ҳукми кўплаб куфаликларнинг айбланишига сабаб бўлган

² Изоҳ: Агар Заҳабий ва Ироқийларнинг “сиқа” сўзига “сабт”ни қўшиб, уни 2та даражага бўлишгани инобатга олинса, Ибн Абу Ҳотим ва Ибн Салоҳларнинг баҳоси билан уларнинг баҳоси ровийга нисбатан бир ҳукми аниқлиги аниқлашади.

³ Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Ўша асар. – Ж. 2. – Б. 355-356.

⁴ Ибн Абу Ҳотим, Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1953. – Ж. 2. – Б. 161-162.

⁵ Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Ас-Сикот. Ҳайдаробод: Доиратул-маориф ал-Усманийя, 1973. – Ж. 8. – Б. 91.

“шиалик” дир⁶. Исмоил ибн Абондан кўплаб муҳаддислар ўз тўпламларида ҳадис ривоят қилишган. Жумладан, Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да унинг 6 та, “ал-Адаб ал-муфрад”да эса 3 та ривоятини келтиради⁷. Имом Термизий Исмоил ибн Абоннинг 1 та ривоятини келтириб, унинг “ғариб” экани ҳамда бошқа йўл билан ривоят қилинмаганини келтиради⁸. Исмоилнинг ривоятлари “сиҳоҳи ситта”нинг 2та “Саҳиҳ”ида келтирилганининг ўзи ҳам у ҳақдаги “жарҳ”га оид ҳукмлар унинг куфалик бўлгани сабабидан эканини тасдиқлайди. Шу билан бирга, Имом Бухорийнинг икки асарида унинг ривоятлари келтирилганини инобатга олиб, унинг ривоятлари ғариб бўлса-да, ишончли деб қабул қилиниб, шаръий ҳукм учун ҳужжат сифатида фойдаланиш учун асос бўлади. Аммо, юқорида “садуқ” атамасига берилган таърифдан келиб чиқиб, Исмоилнинг ривоятлари бу даражада қабул қилинишига “сиқа” ва бошқа “таъдил” атамалари билан тавсифлангани сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Ҳаммоднинг акаси Саид ибн Зайдни Имом Бухорий “садуқ” ровий сифатида баҳолаган. Бошқа муҳаддислар ҳам ушбу ровий тўғрисида тўхталишиб, ўзаро ихтилофли бўлган ҳукмларни ривоят қилишганини кўриш мумкин. Масалан, Ибн Абу Ҳотим “ал-Жарҳ ват-таъдил” номли асарида Яҳё Қаттоннинг Саид ибн Зайд ҳақда “ҳадисда жуда ҳам заиф” дегани зикр этади. Шу билан биргаликда, Абу Зуръа Розийнинг Сулаймон ибн Ҳарбдан қилган ривояти ҳам келтирилган бўлиб, унга кўра Саид ибн Зайд “сиқа” ровийлардан ҳисобланади⁹. Ибн Абу Ҳотимнинг Саид ҳақда икки ҳил ривоятни келтиришига сабаб ровийлар ҳақдаги мавжуд ҳукмларни баён қилиш лозимлиги тўғрисидаги қараш бўлиши мумкин. “ал-Жарҳ ват-таъдил”да муаллифнинг тутган йўлига эътибор берилса, унинг ўзи ҳам Яҳё Қаттоннинг қарашига қўшилмай, отасининг қарашини маъқуллагани маълум бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Саид ибн Зайд муҳаддислар томонидан “садуқ” ва “сиқа” сифатида баҳоланиб, ишончли ровийлардан ҳисобланган, деган хулоса чиқариш мумкин. Ҳадис тўпламлари кўздан кечирилганда, Саиднинг бир нечта ривоятлари ишончли тўпламларда келтирилгани аниқланди. Жумладан, “сиҳоҳи ситта” таркибига кирувчи Абу Довуднинг “Сунан”ида Саиднинг ривояти келтирилган¹⁰. Ҳоким Найсобурий эса, “Мустадрак”да унинг 1та ривоятини келтиради. Ушбу ривоят Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилинган бўлиб, мавқуф ривоят ҳисобланади¹¹. Юқоридаги икки мисол, Саид ибн Зайднинг кўпчилик муҳаддислар наздида ишончли ровийлардан ҳисобланганини кўрсатади.

Сайф ибн Сулаймон ҳам асарда “садуқ” ровий сифатида тавсифланган бўлиб, Вакиъ унинг кунясини Абу Сулаймон деган бўлса, Ибн Муборак уни Ибн Абу Сулаймон деб атагани ҳам келтирилади. Имом Бухорий унинг “ростгўй ва ҳифз эгаси” (мимман юсаддику ва яҳфазу) деб таърифлаганини ҳам қайд этади. Ибн Абу Ҳотим ҳам Сайфга тўхталиб, Яҳё ибн Саид Қаттоннинг “сабт” атамасини ишлатганини билдиради.

⁶ Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. Ал-Комил фий зуафо ар-рижол. Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Ж. 1. – Б. 503.

⁷ Қаранг: Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. Байрут: Дор туқ ан-нажот, 2001. – Ж. 2. – Б. 11, 161. – Ж. 6. – Б. 86. – Ж. 7. – Б. 125. – Ж. 8. – Б. 111, 149; Ал-Адаб ал-муфрад. Байрут: Дор ал-башоир ал-исломийя, 1989. – Б. 307, 359, 365.

⁸ Қаранг: Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 3. – Б. 380.

⁹ Қаранг: Ибн Абу Ҳотим. Ўша асар. – Ж. 4. – Б. 21-22.

¹⁰ Қаранг: Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас Ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний. Сунан Абу Довуд. Дор ар-рисола ал-оламийя, 2009. – Ж. 5. – Б. 267.

¹¹ Қаранг: Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Мустадрак ғала ас-Саҳиҳайн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. – Ж. 2. – Б. 620.

Шунингдек, Аҳмад ибн Ҳанбал уни “сиқа” дегани, Абу Муҳаммад эса “ла баъса биҳи” деганини ҳам келтиради¹². Кўриниб турибдики, Имом Бухорий ва Ибн Абу Ҳотимлар ушбу ровийга баҳо беришда Яҳё ибн Саид Қаттон билан якдил бўлишиб, унинг ҳукмини қабул қилишган. Ҳадис тўпламларида Сайфнинг кўплаб ривоятлари келтирилган бўлиб, улар орасида Имом Бухорий ва Муслимларнинг “Саҳиҳ”лари ҳам мавжуд. Жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ида Сайфнинг Мужоҳиддан қилган 1та ривояти келтирилган¹³ бўлса, Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”ида Сайфнинг 2та ривояти келтирилган¹⁴. Шунингдек, бошқа ҳадис тўпламларида ҳам Сайфнинг бир нечта ривоятлари келтирилган. Эътиборлиси, “ат-Тарих ал-кабир”да мазкур ровийга нисбатан нафақат “ростгўй ва ҳифз эгаси” ибораси, балки “сиқа” атамаси ҳам ишлатилган бўлиб, бу ровийнинг ривоятлари даражаси юқори баҳоланиши ва кўплаб муҳаддислар томонидан ҳадис тўпламларига киритилиши сабаби бўлиши мумкин. Юқоридаги 3 нафар ровий тўғрисидаги маълумотлар таҳлилидан маълум бўладики, Имом Бухорий наздида ҳам ушбу ибора ровийнинг “адолати”гагина ишора қилиб, унинг забтига оид ҳукм чиқариш учун асос бўлмайди. Бунга Нуъмон ибн Рошид тўғрисида “садуқ” атамаси билан биргаликда “ҳадисида кўплаб ваҳм бор” деган ибора ҳам қўлланилганини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Шу билан биргаликда, Сайф ибн Сулаймон ҳақда маълумот бериб, унинг “ростгўй” экани билан биргаликда “ҳифз эгаси” экани тўғрисидаги қайд қўшилгани ҳам тасдиқлайди.

INNOVATIVE
ACADEMY

¹² Қаранг: Ибн Абу Ҳотим. Ўша асар. – Ж. 4. – Б. 274.

¹³ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. Байрут: Дор туқ ан-нажот, 2001. – Ж. 2. – Б. 57.

¹⁴ Қаранг: Муслим Ибн Ҳажжож Абулҳасан Қушайрий Найсобурий. Саҳиҳ. Байрут: Дор ат-турос ал-арабий. – Ж. 1. – Б. 302; – Ж. 3. – Б. 1337.